



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 30 июнь, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 127 (12.688)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН

Анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган ушбу танлов, Ватанга муҳаббат ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, баддий юксак қўшиқлар яратишни рағбатлантириш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларнинг маҳоратини оширишга хизмат қилади.

Мазкур танлов доимий равишда ўтказиб келинаётганлиги, маданият ва санъат соҳасига, шунингдек, ёш санъаткорларга нисбатан алоҳида ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Жумладан танлов ҳалқимиз орасидан етишиб чиқаётган истеъдодли ёшларга ўз маҳоратларини тўла намоён этишлари учун катта имконият яратиб бермоқда.

Бу йилги танловнинг саралаш босқичлари пойтахтимиздаги барча туманларда ўтказилиб, унда 149 нафар иштирокчилар қатнашди.

Ғолиб деб топилган 34 нафар иқтидор соҳиблари эса, шаҳар босқичида ўз маҳоратларини намоён қилди.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловини ўтказишдан мақсад, Ватанни шарафлайдиган, кадр-қиммат, гуруҳ ва ифтихор каби туйғуларни қўшиқларга жо айлаб маҳорат билан қўйлаш, ижро этилган энг сара қўшиқларни, уларнинг ижрочиларини юксак баддий

Куни кеча «Туркистон» саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

мезонлар, ҳолислик асосида танлаб олиш ва гўзал қўшиқларни ҳалқимиз мулкига айлантиришдан иборатдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, ҳакамлар хайъати раиси ўринбосари Ҳабибулла Раҳимов.

Энг аввало келажаги порлоқ ёшларимизнинг қалбида она юртва бўлган муҳаббат ва садоқат туйғуларини уйғотиш, Ватанни шарафлайдиган, шаънини ифодалайдиган мазмунан теран қўшиқлар яратиш, шу билан бирга ёшлар орасида истеъдодларни излаб топиш, уларни рағбатлантиришдан иборатдир.

Танлов иштирокчиларининг чиқишларини баҳолашда матн ва мусиқа уйғунлиги, ижро маҳорати, қўшиқларда Ватан туйғусининг тараннум этилишига алоҳида аҳамият қаратилди.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловида биринчи ўрин Мирзо Улуғбек тумани, иккинчи ўрин Сергели, Мирзо Улуғбек, Олмазор, учинчи ўринга эса, Юнусобод, Шайхонтоҳур, ва Бектемир туманлари иштирокчилари мушарраф бўлди.

— Мен ушбу танловда биринчи ўринга сазовор бўлганлигимни эшитиб жуда хурсанд бўлдим, — дейди Зарнигор Киргизалиева. — Бу танлов биз каби ёшларни изланишга, ўз устимизда ишлашга чорлайди. Келажакда қўшиқларим билан нафақат республикамиз, балки дунё саҳналарида ҳам қўйлашни истайман ва жаннатмакон Ўзбекистонимиз шаънини тараннум этишни истайман ва шунга ҳаракат қиламан.

Етти нафар иштирокчиларнинг номзодлари «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг Республика босқичига тақдим этилди.

Танлов сўнггида ғолиблар Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан фахрий ёрлик, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: танловдан
лавҳа

Ислом Исмоилов
олган сурат

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ИЖРОСИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 14, 16, 20, 28-моддаларининг Тошкент, Жиззах ва Бухоро вилоятларидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш натижаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Б.Алиқонов, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари К.Содиқов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнларида экологик соф технологияларни амалиётга жорий этиш, табиий захираларни асраш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган доимий эътибор барқарор ривожланиш омили бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда бу йўналишдаги фаолиятни тартибга солишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Тўрт юздан зиёд қонун ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжат мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим дастурамал бўлмоқда.

2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни табиатнинг ноёб ҳудудларини, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг қамқаб турларини асраш, биологик хилма-хилликни муҳофаза қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Мазкур қонуннинг 14, 16, 20, 28-моддаларида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда давлат кадастри ишларини юритиш, ушбу ҳудудларни бошқаришнинг замонавий тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш, илмий-амалий ҳамкорликни кенгай-

тириш, табиат ёдгорликларини асл ҳолига асраш билан боғлиқ кенг қўламли вазифалар белгиланган.

Йиғилишда қайд этилганидек, қонун ижроси ўрганилган вилоятларида ушбу нормаларнинг ижросини таъминлаш, табиатга антропоген таъсирларни камайтириш ва экологик мувозанатни барқарорлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг экологик ҳолати, ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганиш, ноёб турларни асраш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Тегишли давлат, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида қўшма лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётди. Бунинг самарасида «Қизил китоб»га киритилган, қамқаб, йўқолиб кетиш арасида турган флора ва фауна турларини асраш ва қўлайтиришга эришилмоқда.

Йиғилишда қонуннинг тегишли бандлари ижроси бўйича натижалар билан биргаликда ечимини кутаётган вазифалар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Жумладан, кадастр ишларини юритиш, табиат ёдгорликларини аниқлаш ва муҳофазалашга оид ишларда изчилликни йўлга қўйиш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга инсон омили таъсирининг олдини олиш, илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион лойиҳалар қўламини янада кенгайтириш устувор аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган вилояти Янгикўрғон туманида «Маънавият сарчашмалари» деб номланган фестивал бўлиб ўтди. Фестивалда вилоят мусиқали драма ва комедия театри, Наманган шаҳар «Ёр-ёр», Янгикўрғон тумани «Шодиёна» ансамбллари, шунингдек, «Наманган сеҳргарлари» халқ дорбозлар гуруҳи иштирокидаги мусиқий-композицион чиқишлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Халқ амалий санъати ва баддий хунармандчилик маҳсулотлари, миллий либослар ҳамда таомлар кўргазмалари намоиш этилди.

● Қорақалпоғистон Республикасида «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди. Нукусда ўтган тадбирда қуйи босқичларда ғолиб бўлган 315 аёл ўз чاقқонлиги ва маҳоратини намоиш этишди. Ғолиблар ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

● Жаҳон банк-молия муносабатлари соҳасида биринчи марта Ўзбекистонда банкрот бўлган корхоналарни банклар томонидан қайта тиклаб маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш тажрибаси амалиётда синаб кўрилди. Бу амалиёт ҳар томонлама фойдали ва самарали эканлиги исботланди.

● Тошкент вилояти ҳокимлигида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (O'zLiDeP) Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ҳамкорлигида Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги маърузаси мазмун-моҳияти ва аҳамияти, унда белгилаб берилган муҳим йўналишлар ижросига бағишланган селектор-йиғилиши ўтказилди.



● Модулли смартфон 2015 йилдан сотувга чиқади. Google Project Ara жамоаси иштирокчилари модулли смартфонларни ишлаб чиқариш ҳақидаги ахборотлар билан ўртоқлашдилар. Эслатиб ўтамиз, Ага лойиҳасига мувофиқ, мобил аппаратлари учун қисмлари осон алмаштириладиган универсал платформа ишлаб чиқилмоқда.

● 2015 йил бошида Samsung компанияси ўзининг эгилувчан дисплейга эга бўлган ва букланадиган курилмасини тақдим этди. Корея ОАВлари тарқатган хабарларга кўра, янги гаджет дисплейга 8-9 дюйм Super AMOLED дисплейга эга планшет сифатида чиқарилади.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспортни қўллаб-қувватлаш борасида изчил амалга оширилаётган ишлар самарасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бу борада муҳим ўрин тутмоқда. Мазкур жамғарма директори вазифасини бажарувчи Жаҳонгир МУСТАФОЕВ ЎЗА муҳбирига мамлакатимиз корхоналарини экспорт фаолиятига жалб этиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ишлар, хорижий мамлакатлар ишбилармонлари билан алоқалар ҳақида сўзлаб берди.

— Мамлакатимизда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва корхоналарнинг экспорт салоҳияти йилдан-йилга ошмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қаро-

ри асосида ташкил этилган жамғармаимиз тадбиркорлик субъектларининг ўз маҳсулотини ташқи бозорга чиқаришда яқиндан кўмаклашмоқда. Бу жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётди.

Жорий йилда сифат менежменти тизимларини (СМТ) жорий этиш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда ҳудудлардаги бир қатор корхоналар фаолиятини ўрганиб чиқдик. Айни пайтда эллиқдан зиёд корхонада жамғармаимиз молиявий кўмагида халқаро стандартларга асосан СМТни босқичма-босқич жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Жамғармаимиз ва унинг ҳудудий филиаллари 2019 йилнинг 1 январига қадар ягона ижтимоий тўловдан бошқа барча турдаги солиқлар, йиғимлар, бож ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашдан озод қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарлар ва хизматларни олдин-

дан ҳақини тўламасдан, аккредитив очмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эга. Буларнинг барчаси тадбиркорларимиз муваффақиятли фаолиятининг муҳим омили бўлмоқда.

Жорий йилнинг январь-май ойларида жамғарма томонидан жами 570 та тадбиркорлик субъектлари курилиш, тўқимачилик, қимё, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, шунингдек, сайёҳлик, транспорт, маркетинг, консалтинг хизматларини хорижга экспорт қилишда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада умумий қиймати 379 миллион АҚШ долларига тенг товар ва хизматлар экспорт қилишга эришилди.

Ташкилотимиз кўмагида юртимиз ишлаб чиқарувчилари мамлакатимиз ва чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро кўргазма-ярмаркалар, бизнес-форум ва кооперацион биржаларда иштирок этиб, маҳсулотлари экспортининг жўғрофиясини кенгайтириш, харидорлар топиш ва шартномалар тузишга муваффақ бўлмоқда.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонларининг бизнес-форуми ва кооперацион биржасида жамғармаимиз фаол иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **СЕРГЕЛИ** туманидаги 11-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Отам, онам ва мен

— спортчи оила» спорт ўйинлари мусобақаси ўтказилди.

✓ **БУГУН** пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасидаги илмий-тадқиқот муассасаларида янги субстанция ва дори

препаратларини яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш корхоналарида жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги «Кўркамобод» маҳалласида «Фарзандларимизнинг бўш вақтларини унумли ва мазмунли ўтказайлик» мавзусида давра сўхбати уюштирилди.

МАҲСУЛОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзвиринсаноат-холдинг» компанияси томонидан узумчиликни ривожлантириш, қайта ишлаш корхоналарини модернизациялаш ва ҳам ашё базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Юртимизда аграр соҳанинг муҳим йўналишларидан бири бўлган мева-сабзавотчилик ва узумчилик йил сайин ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг ўшбу маҳсулотларга бўлган талабини қондириш билан бир қаторда қайта ишланган мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари экспорт қилинмоқда.

Анжуманда таъкидланишича компания томонидан қайта ишлаш корхоналарининг технологик талабларига мос бўлган ноёб, саноатбоп тоқзорлар барпо этиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ер унумдорлигини ошириш ҳамда соҳага инновация ғояларини тadbик этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда компания ҳам ашё базасини мустаҳкамлаш билан бирга қайта ишлашни такомиллаштириш, ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор қаратмоқда. Қайта ишлаш корхоналари босқичма-босқич модернизация қилиниб, эскириб қолган техника ва технологиялар янгиланмоқда. 2006-2013 йиллар давомида бу борада 100 дан ортиқ инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Компаниянинг ривожланиш дастурига кўра 2016 йилгача яна 80 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

— Ноёб, саноатбоп тоқзорлар майдонининг кенгайиб, ҳам ашё базасининг мустаҳкамланиши ҳамда қайта ишлаш корхоналарининг модернизация қилиниши маҳсулот сифатини ошириш имконини бермоқда, — дейди компаниянинг модернизация ва илғор технологияларни жорий этиш бошқармаси бошлиғи Аҳмад Востриков. — Бунинг натижаси ўлароқ маҳсулотларимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларига эга бўлиб, халқаро кўрғазма ва танловларда юқори баҳоланмоқда.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олди.

Абдуалим САЛИМОВ



ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Пойтахтимизда «Ижтимоий фикр» маркази томонидан жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Б.Абдухалимов, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Р.Убайдуллаева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари, хусусан, хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид қатор ҳужжатлари ратификация қилинган.

Жамиятда ошкоралик ва очиқлиқни таъминлаш масаласи жамоатчилик фикрини ўрганиш усул-усулбларининг қай даражада ривожлангани билан ҳам бевосита боғлиқ. Зеро, жамоатчилик фикри фуқаролик жамиятининг ҳолатини аниқ акс эттирадиган ўзига хос кўзгудир.

Ижтимоий фикр маркази томонидан бошқа мавзулар қатори аёлларнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги иштироки, дунёқараш каби масалаларга оид сўровлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ана шундай комплекс тадқиқотлар натижалари мамлакатимизда хотин-қизлар фаоллиги, уларнинг манфаат ва эркинликлари таъминланганлигини кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилингандан буён ўтган вақт мобайнида аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи, иқтисодий, сиёсий фаоллиги ошган.

Марказ томонидан ўтказиб келинаётган ижтимоий сўровларда иштирок этганларнинг фикрича, мамлакатимизда хотин-қизларнинг таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш, ижтимоий ҳимоя, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқлари тўлалигича таъминланган. Бу уларда ватанпарварлик, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар жараёнига дахлдорлик тушунчаларини янада мустаҳкамламоқда.

Семинарда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳамда истиқболдаги вазифалар юзасидан фикрлашилди.

**Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири**

**Пойтахтимизда «Иқтисодий
ночор корхоналарни тиклашда
тижорат банкларининг ўрни ва
аҳамияти» мавзусига
бағишланган матбуот анжумани
бўлиб ўтди.**

МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодий ноцор ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни соғломлаштириш жараёнига тижорат банклари жалб қилинди. Дунё таърибасида биринчи бор қўлланилган тижорат банкларининг молиявий, ташкилий имкониятларидан иқтисодий ноцор корхоналарни соғломлаштиришда фойдаланилаётган механизми ўз самарасини берди. Банклар балансида ўтган 173 та иқтисодий ноцор корхоналарда ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш учун 569,1 миллиард сўм миқдорида инвестиция йўналтирилди. Натижада қайта тикланган корхоналар томонидан 2 триллион 781,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 728,5 миллион АҚШ доллари миқдоридида маҳсулот экспорт қилинди.

Иқтисодий ноцор корхоналарни соғломлаштириш механизми банкротлик туфайли хизматчиларга ўз вақтида берилмайдиган қолган ойлик маошлари ва таътил пулларини қоплаб беришдек муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифани ҳам бажаради. Бунда янги корхоналарни самарали бошқариш учун етакчи тижорат банклари базасида ташкил топган бошқарув компаниялари ва таркибий бўлинмаларнинг хизмати катта.

Анжуманда шунингдек, маркетинг тадқиқотлар олиб бориш, гаров мулкидан самарали фойдаланиш, ички ва ташқи бозорга мўлжалланган рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолияти тикланган корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш борасида олиб борилаётган ишлар борасида маълумот бериб ўтилди.

Абдували СОДИКОВ

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида «Ижтимоий шерикликни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари: миллий ва хорижий таъриб» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, тегишли вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари вакиллари, миллий ва хорижий экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган олти мингдан зиёд ННТлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, халқимизнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш, долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳаётга тadbик этишда фаол иштирок этаётир.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгиланган. Мазкур Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда жамоат ташкилотлари ва давлат органлари ўртасидаги муносабатларнинг аниқ йўналишларини белгилаш, ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш билан боғлиқ кенг қўламли вазифалар қамраб олинган.

Давра суҳбатида ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асослари, бу борадаги миллий ва халқаро таъриб, миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш истиқболлари, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ижтимоий шериклики амалга ошириш борасидаги фаолиятига оид маърузалар тинланди.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири**

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур тадбирлар Жанубий корейлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда савдо, молия, энергетика, нефть-газ, кимё, электротехника, машинасозлик, транспорт ва логистика, автомобиль ва темир йўллар қуриш, металлургия, геология ва коммунал хўжалик, ахборот-коммуникация технологиялари, таълим, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, енгил саноат, тиббиёт технологиялари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш ва мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалаларини атрофлича муҳокама қилиш ишларини берди.

Кооперацион биржа доирасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамағармаси Корея Республикаси халқаро савдо уюшмаси, Импортчилар ҳамда Ишбилармон аёллар уюшмалари, шунингдек, «Shingdong Enercom», «Bow Industrial», «Bell Metal», «K-Won Electronics» каби йирик компаниялар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масалаларини атрофлича муҳокама қилди. Учрашувларда ўзбекистонлик ишбилармонларнинг халқаро кўрғазма, ярмарка ва тендер савдоларида иштироки, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга потенциал ҳисобларни топиш, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя жалб этишга оид ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга келишиб олди. Жамағармиз билан Корея Республикаси импортчилар уюшмаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Бизнес-форум ва кооперацион биржа доирасида жамағарма билан Корея Республикасининг «Viva International», «Korea Thum Vet», «Kimag Korea», «Kijing Hong» каби компаниялари ўртасида 33,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган экспорт ва сармоя киритишга оид битимлар имзоланди. Ҳужжатлар Ўзбекистондан Жанубий Кореяга озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни назарда тутди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамағармасининг бундай тадбирлардаги фаол иштироки ўзаро манфаатли ва серқирра халқаро савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, хусусий секторнинг ташқи бозордаги фаолиятини кенгайтиришга, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилди.

**Ноҳира МАНЗУРОВА
ЭЗИБ олди**

Анжуманлар

ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Анжуманда журналистларга ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги қонун ижодкорлиги ҳақида батафсил маълумот берилди.

Адлия вазирлиги мамлакатимизда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади. Вазирлик томонидан 2013 йилда 56 та, жорий йилнинг биринчи чорагида 28 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари 2013 йилда 1081 та, жорий йилнинг биринчи чорагида 268 та шу каби лойиҳалар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур лойиҳаларнинг барчаси мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Бунда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган қонун лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиш жоиз. Ҳозирги кунда Концепцияда назарда тутилган 48 та қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлса, уларнинг доирасидаги 13 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда вазирлик бевосита иштирок этди.

Бундан ташқари, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг I бўлимида назарда тутилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёни билан боғлиқ масалалар Адлия вазирлигига юклатилган бўлиб, мазкур бўлимда 9 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасида ҳозирда манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда қонун ижодкорлиги жараёнида илчил амалга оширилмоқда. Анжуманда Давлат дастурида назарда тутилган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш учун ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Қонун ижодкорлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишдаги фаолият» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Матбуот анжуманида мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган фаолият ҳақида ҳам маълумот берилди. Таъкидланганидек, ҳозирда ҳамкор идоралар билан «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳриридаги лойиҳаси тайёрланмоқда.

— Адлия вазирлиги томонидан қонунчиликни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган муҳим ишлардан бири сифатида вазирлиқнинг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги бевосита иштирокини айтишимиз мумкин, — дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлими бошлиғи Даврон Қаландаров. — Хусусан, ҳозирги кунда Адлия вазирлиги томонидан «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳриридаги лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда қатор ойғор хорижий мамлакатларнинг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонунчилик таърибаси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилди. Бундан ташқари қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўлиқ таҳовдан ўтказилди. Хусусан, Қонун лойиҳасида ёшларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш масалалари, уларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқлари, тадбиркорлигини ривожлантириш, шунингдек, ёшларга ўз иқтидорларини рўёбга чиқаришда уларга қўшимча кафолатлар билан боғлиқ нормалар ўз аксини топган. Умуман олганда мазкур янги таҳрирдаги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бугунги кунда

мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг замон талабларига тўла жавоб берадиган, ёшларнинг ҳар томонлама ривожланишларига давлат томонидан етарлича шарт-шароитларни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмни яратишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини таъминлаш бўйича қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқишига ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, биринчи тақрирлайдиган ёки етарли даражада тартибга солинмаган ёхуд эскирган ва замонавий талабларга жавоб бермайдиган рухсатномаларни янада қисқартириш бўйича бир қатор тақлифлар ишлаб чиқилиб, улар қонунчилигимизда ўз аксини топди.

Вазирлик ва идораларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам муҳим фаолият йўналишларидан саналади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августда қабул қилинган «Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини тартиб тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида илчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самараси мазкур соҳадаги вазифаларнинг мукамал қонунчилик асосларига бевосита боғлиқдир. Анжуманда журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Зиёда РАСУЛОВА

